

Шўро даври ўзбек адабиётининг камол топишида истеъдодли ёшларнинг ўрни ва роли бенихоядир. Улар орасида журналист ва публитсист, шоир, ва драматург, носир Эркин Самандарнинг хам ўз овози, ўзига хос сози бор. Эркин Самандар 1935 йили Хоразм вилоятининг Хонка туманидаги Навхос кишлошда оддий оилада дунёга келган.

У ўз тенгдошлари каби ўрта мактабни тугатгач, Хоразм Давлат педагогика олий билимгохига ўқишига кириб, уни 1957 йилда тугатади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси кошидаги А. С. Пушкин номли (хозирги Алишер Навоий номли Адабиёт илмгохи) Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқишини давом эттиради. Сўнг Хоразм вилоятининг нохия рўзномаларида, «Хоразм хакикати» рўзномасида хамда вилоят партия ва маданий курилиш игнларида масъул вазифаларни бажаради. «Хоразм хакикати» (1977) рўзномасида бош мухаррир бўлиб ишлади. Шунингдек, «Ёшлик» хамда Ўзбекистон радиотелевидениеси адабий-драматик кўрсатувлари бўлим бошлиги сифатида фаолият кўрсатади. Республика Вазирлар махкамаси раиснинг ўринbosари хам бўлди.

Еркин Самандар ижодкор, адаб сифатида 50-йиллар ўрталари адабиётимизнинг кутлуг даргохига кириб келган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Аму жилолари» номи билан 1966 йилда чоп этилади. Сўнгра «Осмон тўла нур» «Дунёнинг ёшлиги» (1970), «Вафо деган гавхар» (1975), «Севги фасллари» (1973), «Шедрост рассвета» (1973), «Менинг йигит вактим» (1979), «Кабул соатлари» (1980), «Соҳилдаги болалар» (1982), «Сайланма», «Юракка йўл» каби ўндан ортиқ шеърий мажмуалари чоп этилди. Мазкур тўпламларга кирган деярли барча асарларда яхши одамлар, гўзал табиат, инсоний мухабbat, севги ва вафо, меҳнат ва хаёт ташвишлари, армонлару гумонлар, кискаси чукур маънавият илдизларини очишига интилиш сезилади. Айникса, у яратган юздан ортиқ кўшиклар факат магнит ленталари ёки пластинкалардагина эмас, тингловчилар калбida хам муҳрланиб колган. Унинг «Франсия дафтари», «Тўксон дакика» (саккизликлар), «Шом кўшиклари» каби туркум шеърларида жаҳон кўрган шоирнинг хаёт ва одамлар хакидаги фалсафий хуносалари ўз бадиий инъикосини топган.

Еркин Самандар шоир сифатида «Кабул соатлари», «Севишганлар шахри», «Комиссар», «Ерк садолари», «Аждодлар киличи» каби ўнга якин достонлар хам яратган, энг сўнгги шеърий асари «Бахор фасли, ёр васли» деб номланган бўлиб, у тўксонта саккизликлардан таркиб топган алоҳида туркумдир. Шунингдек, драматург сифатида «Жавохир», «Аждодлар киличи», «Олма пишганда келинг» каби сахна асарлари Оғаҳий номли театрда кўп вактдан бери кўйилиб келади.

Шуни хам алоҳида кайд этиш керакки, Эркин Самандар носир сифатида хам кўплаб публитсистик асарлар ва очерклар муаллифидир. Айникса, унинг «Дарёсини йўқотган киргок» (1989) романи етук романнавис сифатида хам шакланаётганидан дарак беради. Унда табиат, Орол экологиясигина эмас, энг мухими, маънавият экологияси соҳасида содир бўлаётган кашшоклик, фожеа ва уларнинг илдизлари, окибатларини очиш, мухабbat билан кабоҳат ўртасидаги кураш хаётий тарзда ўз исфодасини топган. Чин мухабbat, чин дўстлик хамиша оғир бўлса хам кабоҳат, хоинлик хиёнатдан устун

келиши умумлаштирилган. Унга «Ленин Хоразмда» ва «Севишганлар шахри» (1980) асарлари учун республика ёшлар мукофоти берилган.